

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХЪЯЕВА АДОЛАТ ХОДЖИЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТАРИХИ  
(1991-2005 йиллар Мудофаа вазирлиги мисолида)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской философии (PhD) диссертации**  
**Contents of abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Яхьяева Адолат Ходжиевна**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шаклланиши ва ҳарбий таълимнинг ривожланиш тарихи (1991-2005 йиллар Мудофаа вазирлиги мисолида) ..... 3

**Яхьяева Адолат Ходжиевна**

История формирования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и развитие военного образования (1991-2005 годы на примере Министерства обороны).....27

**Yakhyaeva Adolat Khodjievna**

The history of the formation of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan and the development of military education (1991-2005 on the example of the Ministry of Defense) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХЪЯЕВА АДОЛАТ ХОДЖИЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ**  
**ШАКЛЛАНИШИ ВА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ**  
**ТАРИХИ**  
**(1991-2005 йиллар Мудофаа вазирлиги мисолида)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.3.PhD/Tar163 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алимова Дилором Агзамовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Исмоилова Жаннат Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Х.Э.Юнусова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ж.Э.Тоғасев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д. (PhD)

**Н.У.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда барча мамлакатлар ўз хавфсизлиги, халқининг тинч ҳаётини таъминлаш борасида мукаммал ҳарбий ислохотларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. XX асрнинг охирларида содир бўлган тарихий воқеалар натижасида мустақил давлатлар вужудга келди ҳамда уларда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш жараёнига киришилди. Мазкур жараён миллий давлатчиликнинг сиёсий, ҳарбий ва ғоявий йўналишининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Шу жиҳатдан бу борада ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўл ва унинг тарихий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида МДХ давлатларида Қуролли Кучларнинг ташкил топиши ва шаклланиши, матбуоти билан боғлиқ муаммолар, мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида офицер таркибининг ўрни, Қуролли Кучларидаги ахлоқий-сиёсий салоҳият муаммолари, Қуролли Кучлар ҳолати, конституцион-ҳуқуқий асослари, ташкилотлар масалалари, Қуролли Кучлари даврий матбуотининг тарихий таҳлиliga доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Қуролли Кучлар таркибини модернизациялаш, профессионал ва ихчам армияни яратиш, шахсий таркибнинг жанговар ва руҳий тайёргарлигини ошириш, ҳарбий таълимга замонавий илм-фан ютуқлари ва инновацияларини кенг жорий қилишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон раҳбарияти ҳарбий сиёсий вазиятни стратегик масала сифатида чуқур таҳлил қилиб, мазкур масалани ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратди. Бу вазифалар, мамлакатнинг ҳарбий салоҳиятини кучайтириш мақсадида ўз Қуролли Кучларини шакллантириш, таркибини кўпайтириш ва жанговар салоҳиятини ошириш орқали амалга оширилди. Мамлакатда мудофаани таъминлашга қаратилган ҳарбий ислохотлар 30 йил давомида халқаро тажрибани ўрганиш борасида муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: "...ҳарбий соҳада халқаро миқёсдаги тадбирлар сони кўпайишига қарамадан, Мудофаа вазирлиги кўшинлари фаолиятида илғор хорижий тажрибаларни амалий жиҳатдан жорий этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Орттирилган тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш борасидаги ишлар тизимли асосда олиб борилмаяпти"<sup>1</sup>. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Қуролли Кучларининг шаклланиш жараёнини янгича ёндашувлар асосида ёритиш борасида илмий изланишлар ва ҳарбий таълим ривожланишининг босқичлари очиб берилмаган ҳамда ўрганилмаган. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда миллий армияни замон талабига мос равишда шакллантиришнинг тарихий зарурияти, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, мустақилликка эришиш арафасида бу соҳада амалга оширилган ислохотлар ҳамда унинг натижалари, қўлга киритилган ютуқлар ва муаммоларни ўрганишни тақозо этмоқда.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 167 б.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги 336-ХП-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”, Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги 641-ХП-сон “Мудофаа тўғрисида”, 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сон “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари тараққиётининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиш арафасида турган бир пайтда миллий армияни барпо этиш, ўзбекистонлик ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, собиқ иттифоқ армиясидаги бебошликлар 1989-1991 йилларда Ўзбекистон матбуотида<sup>2</sup> шу билан бирга собиқ Иттифоқ матбуотида кенг ёритилган<sup>3</sup>.

1988-1991 йилларда ҳарбий қисмлардаги аҳволни тарихчи ва сиёсатшунос Р.А. Медведев қуйидагича таърифлаган эди: “Собиқ совет армияси узок йиллар танқид остида бўлмаган. Унинг тараққиётига ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар тўғрисида гапирилмаган. Қайта қуриш ва ошқоралик йилларида Совет матбуотида армия ҳаётига зид бўлган ва газета ҳамда журналларга “Оқсоқоллик”\*, бахтсиз ҳодисалар, миллатчилик низолари ва ўзини ўзи ўлдириш каби армия мавзулари аниқ салбий материаллар сифатида саҳифалардан жой олмаганди”<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа сиёсати, Қуролли Кучларига асос солиниши, шакллантирилиши, унда олиб борилган ташкилий ишлар, зиддият ва муаммолар, кадрлар сиёсати, профессионал армияга ўтиш, уни ривожланган мамлакатларнинг армияси қаторида халқаро майдондаги ҳарбий

---

<sup>2</sup> Татаринов В. Армия ва ўзим ҳақимда // “Ўқитувчилар” газетаси. 1989. 11 январь; Мирзамухамедова М. Йигитлар хизматга шайми? // “Совет Ўзбекистони” газетаси. 1989 йил. 28 март; Штейнберг М. Русский язык допризывника // “Ташкентская правда” газетаси. 1989 йил 3 март; Коржовов А. Йигитлар уятда қолмасин // “Совет Ўзбекистони” газетаси. 1988. 16 декабрь; Лопатников В.А. Особенности интернационального воспитания армейской молодежи в условиях становления национального самосознания / “Актуальные проблемы межнациональных отношений и интернационалистического воспитания студенческой молодежи” (Респ. научная конференция). – Ташкент, 1990. 30 июля. – С. 78-80.

<sup>3</sup> О ходе выполнения постановления ЦК КПСС и Совета Министров СССР “О подготовке молодежи до призывного и призывного возрастов к действительной военной службе в Вооруженных Силах СССР” // Известия ЦК КПСС. – Москва, 1990. – № 4. – С. 8-10; Каунин В. Хозяйствовать по закону // Тыл Вооруженных сил. – Москва, 1990. – № 1. – С. 44-47.

\* Ҳарбий қисмларда низомга қарши хатти-ҳаракатлар рус тилида “Дедовщина”, ўзбек тилида “Оқсоқоллик” деб юритилади.

<sup>4</sup> Влодавец В. Актуальное интервью с Медведевым Роем Александровичем. Историк и политик. “Солдат – не пушечное мясо” // Военные знания, 1993. – № 3. – С. 1.

ҳамкорлиги масалалари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари<sup>5</sup> ва нутқларида<sup>6</sup> ўз аксини топган ҳамда ҳарбий таълим тизимини ривожлантириш бўйича ҳам концептуал асослар белгилаб берилган<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини вужудга келиш тарихини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар турли соҳа вакиллари, асосан, ҳарбийлар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар томонидан амалга оширилган. Бу йўналишда “Ватан ҳимояси муқаддас бурч” номли тўпламга киритилган Қ.Мамедов ва Ж.Фозиловларнинг мақолаларида Ўзбекистонда Мудофаа вазирлиги ҳамда қўшинларига асос солиниши, чегара қўшинлари, ички ишлар қўшинларининг тузилиши ва шаклланиши ёритилган бўлса<sup>8</sup>, Ш.Асранов, И.Ю.Иноятовлар томонидан қилинган тадқиқотларда Қуролли Кучларга малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашда ҳарбий билим юртларининг фаолияти, ҳарбий ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилган<sup>9</sup>. Тўпламга киритилган И.Иноятов, А.Сафаров, З.Юнусова, А.Усмановнинг мақолаларида Ўзбекистон конституцион тузумини ағдариш мақсадида мамлакат ҳудудига 2000 йилда бостириб киришга ҳаракат қилган халқаро террорчи тўдаларга қарши жанговар ҳаракатлар, Ватан ҳимояси йўлида профессионал бурчини адо этиб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳақида маълумотлар келтирилган<sup>10</sup>. Бу йўналишда Ш.Худойбердиева ва М.Ибрагимоваларнинг “Қаҳрамонлар мангу яшайди” номли тўплами ҳам диққатга сазовордир<sup>11</sup>. Ушбу тўпламга 2000 йил Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган жанговар ҳаракатларда ўз ҳарбий қасамёдига содиқ қолган ҳарбий хизматчилар ҳақида қатор мақолалар киритилган. Мустақиллик даврида миллий армиянинг ташкил этилишига оид бир қанча асарлар чоп этилди. Жумладан, Ф.Х.Усманов, М.М.Курганбеков,

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриклари // Халқ сўзи. 1991-2012 йй.; Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Тошкент оқшоми. 2017 йил 14 январь. – Б. 1.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 7-8; Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 42-54; Ҳарбий таълим замон талабига мос келсин. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 18-23; Мақсадимиз тинчлик ва барқарорлик. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 401-404; Ўзгариш ва янгиланиш ҳаёт талаби. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 485-488; Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт қафолатлари. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 136-144; Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 393-б.; Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи газетаси. 2002 йил 30 август.

<sup>8</sup> Мамедов Қ. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – мустақиллик маҳсули ва унинг ҳимоячиси // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 13-45; Фозилов Ж.Х. Ички қўшинлар Қуролли Кучларимизнинг ажралмас қисми // Ватан ҳимоячи муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 57-64.

<sup>9</sup> Асранов Ш. Олий таълим замон талаби даражасида // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 81-107; Иноятов И. Ҳарбий ҳамкорлик // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 12.

<sup>10</sup> Иноятов И. Жоним фидо сенга Ватан // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 127-138; Сафаров А. Елкада Ватаннинг юки бор. Душман билан юзма-юз // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 153-165; Юнусова З. Умрини мардликка чоғлаган ўғлон // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 139-145; Усманов А. Ватан деган кам бўлмас // Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 146-152.

<sup>11</sup> Худойбердиева Ш., Ибрагимова Ш. Қаҳрамонлар мангу яшайди. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 128 б.

Ч.Д.Угайларнинг уруш ва ҳарбий санъат тарихига бағишланган ўқув қўлланмасида ҳарбий тизимнинг шаклланиши, қўшин турларининг тузилиши ва унинг мамлакат мудофаа салоҳиятини кучайтиришдаги ўрни борасида қатор қизиқарли маълумотлар берилган<sup>12</sup>.

Бундан ташқари тадқиқотда Қуролли Кучларнинг шахсий таркибидаги маънавий-руҳий жиҳатлар билан боғлиқ муаммолар ҳам алоҳида тадқиқот объекти сифатида олинганлиги диққатга сазовордир. Бу борада Р.Самаров, С.О.Отамуродов, У.Темирова, Х.А.Рухиева, А.С.Назаровларнинг мақолаларида<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хотин-қизларнинг ўрни ва ҳарбий касбий маҳорати, гендер маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий ҳарбий аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг феминизациялашувининг ўзига хослиги масалаларига урғу берилган бўлса, А.А.Кучкаров, Ў.М.Абилов, Й.Жумаев, И.Хуррамов, Р.Самаров, М.С.Каримова, А.Д.Раджабов, Д.Х.Зияевларнинг илмий ишларида ҳарбий иш тарихи, ватанпарварлик тарбияси, миллий истиқлол ғоясини ҳарбий хизматчилар онгига сингдириш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва бу жараёнда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни муаммолари ёритиб берилган<sup>14</sup>. Мудофаа вазирлиги тизимида ташкиллаштирилган қатор илмий-амалий анжуманлар Қуролли Кучлар тарихи, ҳарбий кадрларни тайёрлаш муаммолари, шахсий таркибни маънавий-руҳий, ахлоқий-ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ҳамда муаммолар ечими билан боғлиқ таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан диққатни жалб этади<sup>15</sup>. Ўзбекистонда сўнги

<sup>12</sup> Усманов Ф.М., Курганбеков М.М., Угай Ч.Д. История войн и военного искусства. – Ташкент: Talqin, 2006. – 486 с.

<sup>13</sup> Самаров Р.С. Тўмарис издошлари ва уларнинг ҳарбий касбий тарбия масалалари / “Ўзбекистона жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: ТКТИ, 2005. – Б. 118-120; Темирова У. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида ҳарбий хизматчи хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш. Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент, 2007. – 65 б.; Рухиева Х.А., Назаров А.С. Стрессли экстремал вазиятларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари хизматчилари руҳияти ва фаолиятига таъсири / “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тарихи бугуни ва келажаги” мавзусидаги Рес. илм. анжуман материаллари. – Тошкент, 2005. 3 март. – Б. 145-148.

<sup>14</sup> Кучкаров А.А. Педагогическая технология профессионально прикладной физической подготовки курсантов. Высших сержантских курсов. Институт Физкультуры. – Ташкент, 2006. – С. 154; Абилов Ў.М. Миллий ғоя: маънавий омиллар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 46 б.; Жумаев Й. Ҳарбий ёшларнинг маънавий қиёфаси / “Проблемы патриотического воспитания будущих офицеров на этапе становления независимого Узбекистана” материалы научно-теоретической конференции. – Ташкент: ГФНТИ, 1996. 14 ноябрь. – 52 с.; Хуррамов И. Организация и проведение самостоятельной работы курсантов в ВВОУ / “Совершенствование преподавания учебных дисциплин в условиях реформирования высшего образования” материалы научно-методической конференции. – Ташкент: ДВВАУ, 2004. 22 ноябрь. – 134 с.; Каримова М.С. Применение инновационных технологий в процессе воинского обучения / “Проблемы применения и обучения новым педагогическим технологиям в учебных заведениях” материалы научно-методической конференции. – Джизак: ВВАУ, 2005. 6 декабря; Самаров Р. Ҳарбий таълим ва тарбиянинг барқарорликни таъминлашдаги роли // “Педагогик таълим”. – Тошкент, 2007. 1-сон; Самаров Р. Ҳарбий таълим-тарбия тизимида психологик хизмат // “Муҳофаза”, 2010. – № 01 (63). – Б. 9-11; Раджабов А.Д. Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик омиллари, воситалари ва тамойиллари / “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги ва ғоявий тарбиясининг долзарб муаммолари” мавзусидаги анжуман материаллари. – Тошкент, ЎР МВ, 2003. – Б. 86-88; Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Тошкент: Sharq, 2012. – 256 б.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажаги. – Тошкент, 2005. – 276 б.; Проблемы патриотического воспитания будущих офицеров на этапе становления независимости Узбекистана. – Ташкент, 1996. 14 ноябрь. – 138 с.; Укрепление безопасности и стабильности в Центральной

йилларда Куролли Кучлар билан боғлиқ мавзулар алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланди. Жумладан, фалсафа фанлари йўналишида Р.Самаровнинг докторлик диссертациясида<sup>16</sup> Ўзбекистон Куролли Кучларида феминизация муаммолари, Р.Курбоновнинг номзодлик диссертациясида<sup>17</sup> ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни масалалари ўз аксини топган бўлса, педагогика фанлари соҳасида А.Камбаров ва Р.А.Хамракуловларнинг номзодлик диссертацияларида ўқув жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий ҳолати, ёшларнинг ҳарбий-амалий жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш каби муаммоларни ўрганишга эътибор қаратилди<sup>18</sup>. Сўнгги йилларда Х.Содиқов, И.Иноятов, Б.Йўлдошевлар томонидан Ўзбекистон Куролли Кучларининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ва ҳарбий ислоҳотлар моҳияти ёритилган бўлса<sup>19</sup>, Х.В.Дадабоев, А.У.Қиличев, А.Богма ва бошқалар ҳаммуаллифлигида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти тарихи тўғрисида маълумотлар қайд этилган<sup>20</sup>. Шунингдек, Ш.С.Ғоффоров<sup>21</sup> ва А.А.Ерметовларнинг мақолаларида Темур тузукларининг ҳарбий тарихда тутган ўрни ва Ички ишлар органлари фаолияти ёритилган<sup>22</sup>.

Ҳозирги кунга келиб МДХ давлатларида Куролли Кучларнинг ташкил топиши ва шаклланиши, матбуоти билан боғлиқ муаммолар, хусусан, хорижий мамлакатлар мисолида ҳам қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада И.Н.Васкин, О.В.Стародубцова, Н.В.Евсенкин, В.В.Богатов, Г.П.Батюк, И.Р.Антонова, А.И.Крылов, А.Козловларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин<sup>23</sup>.

---

Азии: Нарастивание всесторонних усилий по противодействию терроризму. – Т., 2001. 13-14 декабрь. – 218 с.; Миллий истиқлол ғояси ва армия. – Тошкент, 2004. 15 сентябрь. – Б. 153; Совершенствование преподавания учебных дисциплин в условиях реформирования высшего образования. – Джизак, 2004. 22 ноябрь. – Б. 60; Внедрение новых методов и средств обучения при подготовке военных кадров. – Ташкент, 2004. 20-21 октябрь. – 75 с.; Проблемы применения и обучения новым педагогическим технологиям в учебных заведениях. – Джизак, 2005. 6 декабря. – 56 с.; Этапы реформирования Вооруженных Сил Республики Узбекистан. – Ташкент, 2010. 6 апрел. – 32 с.; Внедрение в учебный процесс ВВОУ новых педагогических и информационных технологий. – Ташкент, 2010. 15 октябрь. – 140 с.

<sup>16</sup> Самаров Р.С. Куролли Кучлар тизимининг феминизациялашуви: ривожланишнинг ўзига хослиги ва ижтимоий механизми (Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари мисолида). Фалсафа фанлари докторлик диссертацияси... – Тошкент, 2005. – 346 б.

<sup>17</sup> Курбанов Р.Ю. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди дисс. авторефер... – Тошкент, 2008.

<sup>18</sup> Камбаров А.М. Военно-педагогические основы оптимизации морально-психологического фактора в учебно-воспитательном процессе военнослужащих. Дис. кан. пед. наук. – Ташкент, 2005. – 154 с.; Хамракулов Р.А. Чақирувгача қишлоқ ёшларининг ҳарбий-амалий жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш. Педагогика фанлари номзоди ... диссертация. – Тошкент, 2009. – 152 б.

<sup>19</sup> Содиқов Х., Иноятов И., Йўлдошев Б. Ўзбекистон Куролли Кучлари (ўтмишда ва ҳозирда). – Тошкент, 2014. – 246 б.

<sup>20</sup> Дадабоев Х.В., Қиличев А.У., А.А. Богма ва бошқалар. Шонли ҳарбий анъаналарни асраш ва кўпайтириш йўлида (Асосий тарихий воқеалар хронологияси). – Тошкент: ЧП “NISIM”, 2018. – 125 б.

<sup>21</sup> Ғоффоров Ш.С. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихида “Темур тузуклари”нинг ўрни // “Ўзбекистонда замонавий ижтимоий-маданий жараёнларни ёритишда ижтимоий тарихнинг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети. – Тошкент, 2015. – Б. 14-19.

<sup>22</sup> Ерметов А.А. Ўзбекистон ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш тизими тарихидан (1930 йилларнинг иккинчи ярми – 1940 йиллар мисолида) // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2018. – № 1/1. – Б. 15-18.

<sup>23</sup> Васкин И.Н. История Вооруженных Сил Пакистана (1947-1988). Дис... докт. ист. наук. АН РУ институт востоковедения им. А.Беруни, 1991. – 341 с.; Стародубцова О.В. Морально политический потенциал

Тожикистонлик олим И.Х.Бониёзов XVII асрнинг охири – XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Марказий Осиё мамлакатлари армияси ва қуролланишини таҳлил этган бўлса<sup>24</sup>, яна бир тожикистонлик тадқиқотчи Б.С.Султонзода Бухоро амирлигининг армияси тарихини тадқиқ қилган<sup>25</sup>.

Америкалик олим Н.Д.Козто ўзининг тадқиқотларида Марказий Осиёдаги ҳарбий тизимга ҳам эътибор қаратган<sup>26</sup>. Шунингдек, яна бир америкалик олим Б.Манц Темурийлар давридаги ҳарбий тизим ҳолатини таҳлил қилган<sup>27</sup>.

Шу билан бирга бир қатор Ғарблик тадқиқотчилар Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларида Ўзбекистондаги армия ҳамда унинг салоҳияти бўйича ҳам ўз қарашларини билдириб ўтганлар<sup>28</sup>.

Муаммо бўйича мавжуд илмий, ижтимоий-фалсафий йўналишдаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида ҳарбий кадрларнинг фаолияти, мустақиллик учун курашда ҳарбий кўшин ва ҳарбий санъат борасидаги ютуқ ҳамда муаммоларга эътибор берилган бўлса-да, Ўзбекистон Қуролли Кучлари шаклланиши ва ҳарбий таълимнинг ривожланиш тарихи мавзуси тарих йўналишида алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас.

---

Вооруженных Сил Афганистана. Проблемы и трудности формирования (1978-1990 г.), 1991; Евсенкин Н.В. Офицерский корпус во внутриполитической жизни Пакистана (1972-1988), 1991; Богатов В.В. Деятельность государственных органов и общественных объединений по военно-патриотическому воспитанию молодежи. 1990-е-2005 гг. На материалах областей Верхнего Поволжья. Дис. ... канд. ист. наук. – Кострома, 2005. – 262 с.; Батюк Г.П. Конституционно-правовые основы военной службы и комплектования Вооруженных сил Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук; Антонова И.Р. Деятельность органов управления, общественных организаций города Москвы по военно-патриотическому воспитанию молодежи в 1992-2002 гг. Дис. ... канд. ист. наук. – Москва, 2004. – 218 с.; Крылов А.И. Психологическая подготовка студентов вузов России, обучающихся на военных кафедрах. Дис. ... д-ра пед. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 417 с.; Козлов А.В. Периодическая печать Вооруженных Сил России в 1992-2000 гг. Историческое исследование. Дис. ... канд. ист. наук. – Москва, 2004. – 208 с.

<sup>24</sup> Бониёзов И.Х. Состояние армий и вооружений стран Центральной Азии в конце XVII – второй половине XIX вв. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Душанбе, 2021. – 27 с.

<sup>25</sup> Султонзода Б.С. Армия Бухарского эмирата: Состояние, управление и традиции / Б.Султонзода. – Ходжент: Меъродж, 2017. – 230 с.

<sup>26</sup> Di Costow. State Formation and Per iodization in Inner Asian history / Di Costow // Journal e World History, 1999. Vol. 10-1.

<sup>27</sup> Manz B. Nomads and Leiden. – Boston, 2005.

<sup>28</sup> Bremmer I. Is There A Future for Kazakhstan? // Association for the Study of Nationalities – Analysis of Current Events, 1994. – № 5; Dannreuther R. Creating New States in Central Asia. Adelphi Papers 288, International Institute for Strategic Studies, Brassey's. – London, 1994; Odom W.E., Dujarric R. Commonwealth or Empire? – Wash., 1995; Panico C.J. Turkmenistan Unaffected by Winds of Democratic Change // RFE/RL Research Report, 1993. Vol. 2. – № 4; Marat E. “State-Propagated Narratives about a National Defender in Central Asian States”, *The Journal of Power Institutions in Post-Soviet Societies*, 2007. – № 6-7; <http://pipss.revues.org/index545.html>; Sébastien Peyrouse, “The Central Asian Armies Facing the Challenge of Formation” // *The Journal of Power Institutions in Post-Soviet Societies* [Online]. Issue 11 | 2010, Online since 03 March 2011, connection on 06 July 2022. URL: <http://journals.openedition.org/pipss/3799>; DOI: <https://doi.org/10.4000/pipss.3799>; Lumpe L. “U.S. Military Aid to Central Asia, 1999-2009. Securities Priorities Trum Human Rights and Diplomacy,” OSI Central Eurasian Project Occasional Paper Series, 2010. – № 1. – P. 8; Denison M. “Security Sector Reform in Turkmenistan”, in Merijn Hartog (ed.), *Security Sector Reforms in Central Asia: Exploring Needs and Possibilities*, *Greenwood Paper Special Issue* 25. April 2010. – P. 47-54, available at <http://www.cess.org/publications/papers/view/?id=27>

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги илмий тадқиқотлар режаларига мувофиқ А-1-042-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларида мудофаавий онгини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари” мавзудаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида Қуролли Кучларнинг шаклланиши ва ҳарбий таълимнинг ривожланиш тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида Қуролли Кучларнинг янги тизимини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

мавзуга оид ҳужжатлар, архив манбаларини тизимлаштириш ва илмий таҳлилга тортиш;

мамлакатнинг мустақилликни қўлга киритилиши арафасида ва дастлабки йилларда соҳада амалга оширилган ҳарбий ислоҳотлар ҳамда унинг натижаларининг изчилигини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда Қуролли Кучларнинг барпо этилишини тарихий ҳужжатлар асосида тадқиқ этиш;

1991-2005 йилларда Ўзбекистонда олий ҳарбий таълим муассасаларининг барпо қилиниши ва ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари кўрсатиш;

мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучлар жанговарлик қобилиятини оширишда шахсий таркиб заҳирасини яратиш, ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тизимининг йўналишларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шаклланиши ва ҳарбий таълим тизимининг ривожланиши бўйича илмий хулосалар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги тасарруфида ҳарбий таълим тизими фаолияти белгиланган.

**Тадқиқот предмети**ни Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларнинг шаклланиши ва ҳарбий таълимнинг ривожланиши жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда оғзаки тарих, тизимлаштириш, манбаларни таҳлил этиш, қиёсий ва мазмуний таҳлил ҳамда муаммовий-даврий ёндашув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мустақилликнинг дастлабки йилларида армияда бошқарувнинг сусайиши, унинг назоратдан чиқиши жамият учун хатарли эканлигини англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг мудофаа соҳасида амалий ҳаракатларнинг бошланиши мамлакат мудофаасини таъминлаш баробарида давлатнинг ҳарбий стратегик сиёсатининг шаклланишига замин яратганлиги асосланган;

Ўзбекистонда Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг фаолият юритиши

учун ҳуқуқий норматив актларнинг қабул қилиниши миллий армиянинг профессионал даражага кўтарилишида муҳим қадам бўлиб, бу чоратadbирларни амалга оширишда БМТнинг ҳуқуқий меъёрлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти, МДХ коллектив хавфсизлик Шартномаси каби халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилинганлиги далилланган;

Қуrolли Кучлар тизимида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси масалалари ўз вақтида қатъийлик билан ҳал қилиниб, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ривожланиши бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, урф-одатлар ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган ҳолда амалга оширилганлиги исботланган;

Мудофаа Вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш тизимининг қайта ташкил этилиши ва такомиллаштирилиши ундаги ислоҳот жараёнлари билан бирга амалга оширилиши пировардда кўп тармоқли профессионал кадрлар тайёрлаш тизимига ўтилишига имкон берганлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар йўналишлар бўйича тавсифланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви ва Ўзбекистон Мудофаа вазирлигидаги Марказий архивда сақланиётган маълумотлар илк маротаба илмий муомалага киритилган;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Академияси, Ўзбекистон стратегик ва минтақалараро институти, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти ва Марказий офицерлар уйи кутубхоналари фондлари, мавзу хронологиясига тааллуқли даврий матбуот материаллари, шу даврга оид ижтимоий-сиёсий адабиётлар маълумотлари илмий муомалага киритилган ҳамда тавсифланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, илмий истеъмолга киритилмаган Ўзбекистон миллий архиви, Мудофаа вазирлиги марказий архив жамланмалари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги ҳужжатлари, олий ҳарбий таълим муассасаларининг жорий архиви материаллари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат қилган ҳарбий хизматчиларнинг хотиралари каби бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларидаги ҳарбий таълим ва ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича методологик ёндашувларни такомиллаштириш, соҳага оид янгича илмий қарашларни кенг жорий этишга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан Қуrolли Кучларнинг шаклланиш тарихи, Мудофаа

вазирлиги, ҳарбий кадрларни тайёрлаш масалаларига оид дарсликлар, ўқув ҳамда услубий қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шаклланиши ва ҳарбий таълимнинг ривожланиш тарихи (1991-2005 йиллар Мудофаа вазирлиги мисолида) мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ҳамда таклифлари асосида:

мустақилликнинг дастлабки йилларида армияда бошқарувнинг сусайиши, унинг назоратдан чиқиши жамият учун хатарли эканлигини англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг мудофаа соҳасида амалий ҳаракатларнинг бошланиши мамлакат мудофаасини таъминлаш баробарида давлатнинг ҳарбий стратегик сиёсатининг шаклланишига замин яратганлигига оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейининг экспозицияларини янгиланишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 24 февралдаги 25/10/362/1-сон далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясидаги тингловчилар ва курсантларнинг ўқитилиши сифатини оширишга қаратилган илмий лойиҳаларни амалга оширишга имкон берган;

Ўзбекистонда Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг фаолият юритиши учун ҳуқуқий норматив актлар қабул қилиниши миллий армияни профессионал даражага кўтарилишида муҳим қадам бўлиб, бу чора-тадбирларни амалга оширишда БМТнинг ҳуқуқий меъёрлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти, МДХ коллектив хавфсизлик Шартномаси каби халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилинганлигига оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида 2003-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар Қўмитасининг П-4.1 “Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (энг қадимги даврдан ҳозиргача)” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 15 сентябрдаги 3/1255-2500-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши лойиҳа доирасида чоп этилган “Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан” (Тошкент, “Sharq”, 2012 йил. 256-б.) номли коллектив монографиянинг “Ўзбекистон Республикасида миллий армиянинг барпо этилиши ва ҳарбий ислохотлар” (241-256 бетлар) номли қисмини мазмунан бойитишга хизмат қилган;

Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси масалалари ўз вақтида қатъийлик билан ҳал қилиниб, ҳарбий ватанпарварлик тарбиянинг ривожланиши бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда амалга оширилганлигига оид натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалидаги 2020 йил 14 январда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар

корхонасининг 2020 йил 13 февралдаги 0240-361-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларда Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси масалаларининг йўлга қўйилиши борасидаги тасаввурларини кенгайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 20 та конференцияда, жумладан, 3 та халқаро ҳамда 17 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та услубий қўлланма, жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (улардан 7 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта асосий боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг янги тизимини яратилиши”** деб номланган биринчи боби Ўзбекистон Қуролли Кучлари шаклланишининг шарт-шароитлари ва дастлабки босқичлари ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг профессионал тизимга ўтишида ҳарбий ислохотларнинг аҳамияти билан бирга мамлакат мудофаа тизимини мустаҳкамлашда Қуролли Кучлар ташкилий тузилмаларидаги ҳарбий округлар ташкил этилиши тарихи масалаларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари тарихи мамлакатнинг мустақиллиги билан боғлиқдир. Ўзбекистонда ҳарбий тизим соҳасини такомиллаштириш борасида дастлабки қадам Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 31 мартда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги”ги СССР Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлари ҳақидаги Қарорида ўз аксини топди. Мазкур қарорга асосан армияни тубдан ислоҳ қилиш, ички ва чегара қўшинларида хизмат қила олмайдиган йигитлар учун қўшиндан ташқари хизматни жорий этиш зарурлиги, Ўзбекистондан ҳарбий қурилиш қисмларига чақирилувчиларни тинч ҳарбий хизматни ўташи учун фақат республика ёки Туркистон Ҳарбий округи

худудидаги ҳарбий қисмларга юбориш масаласи кўтарилди<sup>29</sup>. Ўзбекистон ССР Президентининг республика ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва ҳарбий хизматни такомиллаштириш тўғрисида<sup>30</sup> 1990 йил 4 сентябрь Фармонида асосан 1990 йил куздан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни Ўзбекистон худудидан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига юбориш тўхтатилиши белгилаб қўйилди. Мазкур Фармонда чақирилувчиларни ҳарбий хизматни ўташ борасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат раҳбарияти томонидан ҳимоя қилиниши алоҳида таъкидлаб ўтилди<sup>31</sup>.

Тарихий заруриятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августида бўлиб ўтган навбатдан ташқари XII чақирик VI сессиясида давлат мустақиллиги эълон қилиниши уни қуролли ҳимоя қилиш юзасидан ҳам вазифаларни олдинга сурди. 1991 йил 6 сентябрда “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида”ги Президент Фармонининг<sup>32</sup> қабул қилиниши, 10 сентябрда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирининг тайинланиши бу йўлдаги биринчи амалий қадам бўлди<sup>33</sup>. Мудофаа ишлари бўйича вазир этиб тайинланган Р.У.Ахмедов мамлакатда ташкил этилаётган Миллий гвардиянинг\* қўмондони этиб белгиланди<sup>34</sup>. Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига ҳарбий сафарбарлик тадбирлари, Миллий гвардияни тузиш ва таълим бериш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий билим юртларини бутлаш, олий ўқув юртларидаги ҳарбий кафедралар ва кучайтирилган ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш, муқобил хизматни ташкил қилиш, уруш қатнашчилари ва байналминал жангчилар билан ишлаш, ҳарбий хизматга чақириш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга кўчириб жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифалари юклатилди. Бу вазифаларнинг белгиланиши Ўзбекистон Қуролли Кучларининг шаклланишида янги тизим яратилишига туртки бергани шубҳасиздир.

Шундай мураккаб шароитда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жанговарлик қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 10 январида “Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини

---

<sup>29</sup> ЎзССР Олий Совети Қарори. Ўзбекистон ССР Олий Советининг “Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида”ги СССР Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир тақлифлар ҳақида. № 38-XII. 1990 й. 31 март // Ўз ССР Олий Совети Ахборотномаси, 1990. – № 10-11 (1168). – Б. 42-44.

<sup>30</sup> Халқ сўзи. 1990 й. 6 сентябрь.

<sup>31</sup> Ўзбекистон ССР Президенти Фармонида шарҳ // Совет Ўзбекистони. 1990 й. 6 сентябрь. – Б. 2.

<sup>32</sup> ЎР Президенти Фармони. № 243. 6.09.1991. Ведомости Верх.Совета. РУз. – № 11 (1187). – С. 61.

<sup>33</sup> ЎР Президенти Фармони № 232. Ахборонома ЎР Президенти Фармони. – № 8 (1184). Ж. – № 17. 1007. 1991 й. 10 сентябрь. – Б. 7.

\* Гвардия – қўшинларнинг сараланган имтиёзли қисми. Дастлаб Францияда (XV аср боши) кейинчалик Англия, Швеция, Россия, Пруссияда (XVII аср) пайдо бўлган. Россиянинг лейб-гвардияси 1687 йилда Петр I томонидан ташкил этилган ва 1918 йил тугатилган; Долимов Ш.З. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. – Т., 2007. – Б. 43.

<sup>34</sup> Ўз МА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 213-варақ.

Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида”<sup>35</sup>, 14 январда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”<sup>36</sup>ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларга мувофиқ СССР Қуролли Кучларининг республика ҳудудида жойлашган қисмлари, кўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа ҳарбий тузилмалари қонуний асосда Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинди<sup>37</sup>.

Мамлакатда мудофаа тизимини мустаҳкамлаш мақсадида барча чоратадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил 18 майдаги ПФ 402-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти кўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка кўшинлари таъминот қисмлари ҳақида”ги Фармони билан бу кўшинлар республика тасарруфига ўтказилган бўлса, 12 ноябрда ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар<sup>38</sup>, 13 ноябрдан мамлакат ҳудудида жойлашган барча кимёвий кўшинларни Ўзбекистон юрисдикциясига олиш мақсадида махсус комиссия тузилиб, у Нукус шаҳрида ўз иш фаолиятини олиб борди ва мамлакатда жойлашган тўртта кимёвий ҳарбий қисмлар мамлакат тасарруфига олинди<sup>39</sup>. Ҳарбий қисмларни мамлакат тасарруфига олиш ишларини амалга оширишда ҳарбий техникалар ва бошқа қимматбаҳо давлат мулклари талон-тароҳ қилинишига йўл қўйилмади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Давлат архиви маълумотларига кўра, Ўзбекистон мазкур вазифаларни бажариш арафасида, 1992 йил 13 январь кuni мамлакат раҳбарияти армия масаласини ҳал қилиш учун махсус йиғилиш ўтказилган бўлиб, унда “Қуролли Кучлар кимга бўйсунishi керак?”, “Ким Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони бўлиши керак?” каби масалалар муҳокама қилинган. Бундай масалаларни муҳокама қилишдан кўзланган мақсад мамлакатга ташқаридан бўладиган тажовузларга қарши керакли мудофаани яратиш эди. Ўзбекистон шу тариқа давлат бошқаруви ва мамлакат мудофааси бўйича барча вазифаларни ўз тасарруфига олди. Қуролли Кучларни назорат қилиш билан боғлиқ барча ишлар маъмурий ва ҳуқуқий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси Т.Алимовга<sup>40</sup>, ҳарбий қисмларни молиялаштириш, моддий техник таъминотини таъминлаш эса Мудофаа ишлари бўйича вазири Р.Ахмедов<sup>41</sup> зиммасига юклатилди. Мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш борасида катта қадамлар ташланди ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг шаклланиши ва ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатди. Ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Доктринаси қайта кўриб чиқилди ва мамлакат миллий хавфсизлигини таъминловчи Мудофаа Доктринаси қабул қилинди.

<sup>35</sup> Ведомости Верх. Совета РУз. – № 11 (1187), 1991. – С. 61.

<sup>36</sup> ЎзР Олий Кенгаш Қарори № 527 – XII. 14.01.1992.

<sup>37</sup> ЎзР МВ МА 45-фонд, 67399-рўйхат, 2-иш, 31-варақ.

<sup>38</sup> Игамбердиев И.Р., Хайдаров А.Х. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажаги // Республика илмий-амалий анжумни материаллари. 2005 йил 3 март. – Б. 17.

<sup>39</sup> ЎзР МВ МА 45-фонд, 67399- рўйхат, 4-иш, 295-296-варақлар.

<sup>40</sup> Ўз МА М-37-фонд, 1-рўйхат, 71-иш, 7-10-варақлар.

<sup>41</sup> <https://lex.uz/docs>.

Ҳарбий ислохотлар даврида ташқи тажовузлардан ҳимояланишни кучайтириш мақсадида 1999 йил 13 январда мамлакатда “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил этиш тўғрисида”ги Фармон<sup>42</sup> ва 1999 йил 20 августида “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни<sup>43</sup> қабул қилинди. 2000-2002 йиллар Ўзбекистон Мудофаа Доктринасига мувофиқ Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмалари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий Хавфсизлик хизматининг махсус қисмлари, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучлар тизими яратилди. Қуролли Кучларнинг ягона марказлашган бошқарувини ташкил этиш мақсадида Мудофаа вазирлиги бош штаби Ўзбекистон Қуролли Кучлари Бирлашган штабига айлантирилди. Айнан шу амалий ҳаракат билан Ўзбекистон мамлакат мудофааси мустаҳкамлигини таъминлайдиган ишончли ҳарбий бошқарув тизимини яратди ва бу тизим Ўзбекистон Қуролли Кучларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, Сержантлар корпусининг яратилиши миллий армиянинг мавқеини кучайтирди. Унга мувофиқ 2001 йил июлда Марказий, Шарқий, Тошкент ва Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округларда, кейинчалик эса (2007 йил) Шимоли-Ғарбий ҳарбий округда сержантлар тайёрлаш мактаби ташкил этилди. Мактабларда Мудофаа, Ички ишлар вазирлиги, Чегара қўшинлари учун мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўқув жараёни 5 ва 6 ойлик дастурлар асосида ташкил қилинди. 2003-2005 йилларда мамлакатда фуқароларнинг ҳарбий хизмат ўташ тизими тубдан ўзгартирилди, ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбиясининг узлуксиз кўп поғонали тизими яратилди.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни асосида жорий этилган умумий ҳарбий мажбурий хизмат ва муқобил хизматнинг ташкил қилиниши ислохот талабларига жавоб бермаётган эди. Шу сабабли 2002 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни<sup>44</sup> (янги таҳрирда) қабул қилинди ҳамда шу асосда хизмат турлари ва муддатларига ўзгартиришлар киритилди. Мазкур қонунга асосан муддатли ҳарбий хизмат 18 ойдан 12 ойга, олий маълумотлилар учун 12 ойдан 9 ойга қисқартирилди, муқобил хизмат тугатилди. Мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди, яъни ҳуқуқий асослари ташкил этилиб такомиллаштирилди.

Ислохотлар даврида Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида қўшинларда тезкор бошқарувни амалга ошириш, жанговарлик салоҳиятини юксалтириш мақсадида мамлакат ҳудудида бешта ҳарбий округ ташкил этилди<sup>45</sup>. 2001 йил

<sup>42</sup> Халқ сўзи. 1999 й. 14 январь. – Б. 1-2.

<sup>43</sup> “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни // ЎзР Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999. – № 9. – Б. 261-277.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни. – Т., 2002.

<sup>45</sup> Амиров У. Сержант – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар профессионал армиясининг асоси // Илмий амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2010. 22 апрель.

11 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) билан “Ҳарбий округ операциян йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмаси”<sup>46</sup> эканлиги мустаҳкамланди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон ўз Қуролини Кучларини шакллантириш, унинг фаолият юритиши учун ҳуқуқий норматив актлар қабул қилишга муваффақ бўлди. Қуролини Кучлар тезкорлик билан тинчликни таъминлаш ва чегараларни ҳимоя қилишга эришди. Бу миллий армияни профессионал даражага кўтарилишида муҳим қадам бўлди ва бу чора-тадбирлар нечоғлик тўғри ҳамда оқилона эканлигини давр кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси ўз Қуролини Кучларини тузишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқий меъёрлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти, МДҲ коллектив хавфсизлик Шартномаси каби халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучларини ҳарбий кадрлар билан таъминлаш масалалари**”га бағишланган. Мазкур бобда ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимининг яратилиши ва олий ҳарбий таълим ислоҳотлари таҳлил қилинган.

Мамлакатда олиб борилган ҳарбий ислоҳотлар натижасида собиқ совет иттифоқи даврида Туркистон ҳарбий округи ҳудудига кирган Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатган учта ҳарбий билим юртлири: Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондонлик билим юрти ва Самарқанд олий муҳандислик билим юртлири қайта ташкил этилди. Ҳарбий офицер кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштирилиши натижасида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий билим юртлирида тайёрланадиган мутахассисликлар сони йилдан йилга ошиб 2001 йилга келиб 28 тага етди<sup>47</sup>.

Манбаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, 1984-1987 йилларда Ўзбекистон учун ҳарбий ўқув юртлирида 2600 ўрин ажратилган. Бироқ биринчи босқичнинг ўзидаёқ ёшларни турли баҳоналар билан ўқишни хоҳламаслиги, умумий маълумоти даражасининг пастлиги, ўқув дастурини ўзлаштира олмаганлиги кабилар ваз қилиниб, 200 га яқин курсант билим юртлиридан четлаштирилган. Ҳарбий лицейларида 1520 нафар ёшлар таълим олган бўлиб, уларнинг 40 фоизигина ҳарбий билим юртлирига ўқишга кирган ва бу мактаб ўқувчилари орасида туб аҳоли фарзандлари 15 фоизга яқинни ташкил қилган. Улар орасида билим юртига кирганлар эса 2,2 фоизни ташкил этган<sup>48</sup>. Кўп ҳолларда ёшларни билим юртлиридан четлаштирилишига асосий сабаб қилиб уларнинг рус тилини билмасликлари рўқач қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий кадрлар тайёрлаш борасида хориж тажрибаларини ўрганиш, малакали мутахассисларни тайёрлашда ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Туркия

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Халқ сўзи. 2001 й. 12 - модда.

<sup>47</sup> Ҳарбий таълим замон талабларига мос равишда шаклланмоқда // Ватанпарвар. 2011 й. 16 декабр. – Б. 12.

<sup>48</sup> “Йигитлар хизматга шайми? // Совет Ўзбекистони. 1989 й. 28 март.

ўртасида тузилган шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги Қарори билан Туркия Республикаси олий ҳарбий билим юртлирига офицер кадрлар юборилди. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома<sup>49</sup> ҳамда 1994 йил 2 мартда Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган ҳарбий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартнома<sup>50</sup> асосида Краснодар, Сизран, Балашов, Тамбов Олий Авиация билим юртлирига, Юрий Гагарин номли Олий ҳарбий академияга, Ҳаво ҳужумидан мудофаа ҳарбий университетига, Олий авиация техникаси университетига ўзбекистонлик курсантлар ва офицер кадрлар билим олиш ва ҳамда малака ошириш учун юборилдилар.

Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг ташаббуси билан янги ҳарбий ўқув муассасалари ташкил этиш, уларда тайёрланадиган мутахассисликларни кўпайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 12 февралдаги Фармонида асосан Тошкент электротехника ва алоқа институтининг махсус факультети<sup>51</sup>, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси<sup>52</sup>, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти<sup>53</sup> ташкил этилди. Жиззах АОХБЮда 5 та, Тошкент электротехника институти қошидаги махсус факультетда 5 та йўналишда мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди<sup>54</sup>.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида офицер кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 1993 йил 10 августдаги буйруғи билан махсус ҳарбий ўрта маълумотли офицерларни тайёрлаш тўғрисидаги ҳолат амалиётга киритилди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти қошида махсус курслар очилиб, уларга 100 киши жалб этилди ва ўқишлар 1993 йил 1 августдан бошланди. Курсларга Қуролли Кучлар тизимида сержант ва прапоршик унвонида, взвод командири лавозимида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар жалб этилди. Махсус тезкор курслар тингловчиларининг 77 нафари 1993 йил октябрь ойида ўқув курсини ўзлаштириб давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширгач “кичик лейтенант” офицер унвонини олган бўлса,<sup>55</sup> кейинги йилларда ҳам бу жараён муваффақиятли давом этди<sup>56</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг шаклланиши, ҳарбий таълим тизимининг яратилиши мутахассис кадрларни тайёрлаш олий

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаси. ЎзМА, М 37-фонд, 1- рўйхат, 111-иш, 10-варақ.

<sup>50</sup> Батырбеков Т. Гарант мира и стабильности // Ватанпарвар. 14.01.1995 г.

<sup>51</sup> Тошкент Ахборот технологиялари Университетининг махсус факультети 1993-2003. Қисқача маълумотлар. – Т., 2003. – Б. 3.

<sup>52</sup> Қаримов И. Бунёдкорлик йўлида. 4 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 20-21.

<sup>53</sup> ЎзР МВ МА 2811-фонд, 68829-рўйхат, 1-иш, 1-варақ.

<sup>54</sup> ЎзР МВ МА 45-фонд, 67399-рўйхат, 5-иш, 289-варақ.

<sup>55</sup> ЎзР МВ МА 132-фонд, 65464-рўйхат, 24-иш, 4- варақ.

<sup>56</sup> ЎзР МВ МА 32-фонд, 65464-рўйхат, 27-иш, 45-46-варақлар.

ҳарбий таълимни ислоҳ қилиш билан уйғунлашиб кетди.

Қуролли Кучларда амалга оширила бошланган ислохотлар ўқув-тарбия жараёни, миллий ҳарбий кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор беришни талаб қилди. Бу жараён энг замонавий талабларга жавоб бериши, ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқлари, жанговар ҳаракатларини олиб бориш тажрибаси, шу жумладан, чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олган ҳолда жаҳон андозаларига мос равишда кадрлар тайёрлашнинг амалга оширилишини тақозо этди. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 май Қарорига асосан Мудофаа вазирининг “Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ҳарбий кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи эълон қилинди. Натижада 2003 йил 7 майда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти штат тузилмасига катта ўзгартиришлар киритилди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда юқори малакали ҳарбий офицерларни тайёрлаш Қуролли Кучлар ислохотининг энг устувор вазифаларидан ҳисобланди. 1995 йил 15 августда ташкил этилган Ўзбекистондаги Қуролли Кучлар Академияси миллий армия сафини олий ҳарбий кўмондонлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга ҳарбий таълим даргоҳидир. Таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув маскани нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасидаги ягона олий ҳарбий таълим муассасасидан бири деб ҳисобланди. Қуролли Кучлар Академияси ўз фаолияти давомида ўқув жараёнини такомиллаштириб борди.

Академияда олий ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, офицерларнинг савиясини кўтариш ҳамда уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 6 июндаги қабул қилинган Қарори асосида таълим тизими ва ўқитиш жараёни тубдан ўзгартирилди. 2003 йил сентябрдан академияга ўқишга кириш учун махсус имтиҳонлар топшириш йўлга қўйилди. Сиртқи таълим тугатилди ва икки йиллик кундузги таълим асосида мутахассислар тайёрлаш жорий этилди.

2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Қуролли Кучлари Бирлашган штаб бошлиғининг буйруғига асосан олти ойлик штаб офицерларини тайёрлаш бўйича олий курслар тузилди. Ундан олдинроқ, Мудофаа Вазири ва Олий аттестация комиссиясининг Қарорига мувофиқ 2003 йил академияда адъюнктура ташкил этилди ва бу, ўз навбатида, офицерларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишига имконият яратди. Мазкур академияда 3 та анъюнкт илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб “ҳарбий фанлар номзоди” унвонини олди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академиясининг фаолияти мунтазам равишда “Труды Академии” номли журналда чоп этилади. Мазкур журнал бир йилда икки маротаба нашр қилиниб унинг биринчи қисмида хизмат давомида фойдаланиш учун материаллар чоп этилса, иккинчи қисми махфий маълумотлар учун ажратилган<sup>57</sup>.

Ўзбекистонда ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимининг яратилишини

---

<sup>57</sup> “Труды Академии” журнал Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан, 2004.

ўрганиш шуни кўрсатдики, мустақиллик йилларининг дастлабки даврида олий ҳарбий таълим тизимида олий ҳарбий кадрларни тайёрлаш масаласи айрим зиддиятли ҳолатлар билан биргаликда кечди. Мустақиллик йилларининг дастлабки вақтида ҳарбий кадрларнинг тақчиллиги сабабли олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитувчи лавозимида хизмат қилаётган кадрларда педагогик маҳорат етишмаслиги кузатилди. Шунингдек, ҳарбий билим юртлари кафедраларида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилмагани, ўқитувчиларнинг фанларни ўқитиш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш билан чекланиб қолишлари ҳарбий фан соҳаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Бу ҳолат, ўз навбатида, олий ҳарбий таълим муассасаларида илмий салоҳият жуда пастлигига олиб келган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатда мудофаа тизимини такомиллаштиришда олиб борилган ҳарбий-сиёсий тактика ўзининг натижасини берди. Сабаби мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ҳарбий соҳани такомиллаштириш йўлида олиб борилган ислохотларда Куролли Кучларнинг асоси бўлган ҳарбий кадрларга алоҳида эътибор берилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимида маънавий-ахлоқий ва ҳарбий ватанпарварлик тарбия: тажриба ва муаммолар”**га бағишланган. Мазкур бобда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбия масаласи ҳамда Ўзбекистонда ҳарбий хизматга чақириққача бўлган ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига оид архив ҳужжатлари тарихий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Ўзбекистон мустақиллиги арафасидаёқ маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий кадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлди<sup>58</sup>. Маънавиятни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа ҳисобланган. Мазкур йўналишда мамлакат тинчлиги, осойишталиги, мудофаа салоҳиятининг мустаҳкам бўлишида алоҳида ўрин тутган профессионал ҳарбий кадрларнинг маънавий, ахлоқий ва руҳий етуклигига ҳамда уларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим эди.

1989-1991 йилларнинг бошларида чоп этилган манбаларни ўрганиш шундан далолат берадики, Совет Армиясида таълим-тарбия ва маънавий соҳада ўзига хос парокандалик ҳолати юз бера бошлаган, ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий низомларга қарши хатти-ҳаракатлар кучайиши армия сафларида хизмат қилаётган йигитларнинг маънавий-руҳий ҳолатига, ҳарбий хизматга муносабатига салбий таъсир кўрсатган. Ўзбекистон худудида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бошқа собиқ иттифоқ давлатларидан юборилган ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳам маънавий-руҳий ҳолат қониқарли эмас эди.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунданок Ўзбекистон тинчлигини

---

<sup>58</sup> Каримов И.А. Ҳаммасига ўзимиз етишимиз керак // Совет Ўзбекистони газетаси. 1991 йил 30 январь.

ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва маънавиятини шакллантириш давлат сиёсатида устувор соҳага кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда тарбиявий ишларни такомиллаштириш ҳақида”ги Қарор қабул қилинди<sup>59</sup>. Унда Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинларни мамлакат мустақиллиги, тинчлиги ва халқнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишини ташкил этишда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин тутиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 декабрдаги Қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари шахсий таркиб билан ишлаш органлари ҳақидаги Низом” қабул қилинди. Мазкур Низомга биноан шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицерларга ҳарбий хизматчилар орасида тарбиявий ишларни ташкил этиш, шахсий таркибнинг ахлоқий руҳий ҳолати ва ҳарбий интизоми учун жавобгарлик юклатилди.

1992-1993 ўқув йилидан ҳарбий билим юртларида шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги томонидан 1992 йил 14 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тарбиявий ишларни такомиллаштириш ҳақида”<sup>60</sup> Мудофаа Вазирининг махсус йўриқномаси қабул қилинди. Тарбиявий ишларни самарали ташкил қилиш ва такомиллаштириш борасида йиғилган тажрибалардан келиб чиқиб, 1999 йил 20 сентябрда ва 2000 йил 3 апрелида бир қатор чора-тадбирлар қайта ишлаб чиқилди<sup>61</sup>. Мудофаа Вазирининг 2003 йил 15 июндаги “Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони<sup>62</sup> бу соҳадаги ишларни кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Ҳарбий хизматчилар билан тарбиявий ишларни ташкил этишда 1992 йил 1 декабрдан Мудофаа вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибини ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ва тезкор ахбороти” тўғрисидаги йўриқномаси асосида жорий этилган машғулотлар алоҳида ўрин тутди. Шу вақтгача ҳарбий хизматчиларга мажбурий ўқитилган “Марксча-ленинча тайёргарлик” фани ўқув дастуридан олиб ташланди<sup>63</sup>. Унинг ўрнига

<sup>59</sup> Ўз МА М-37 –фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 72-75-варақлар.

<sup>60</sup> ЎзР МВ МА 45-фонд, 67399-рўйхат, 4-иш, 45-варақ.

<sup>61</sup> Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жорий архиви. “О состоянии и мерах по повышению эффективности воспитательной работы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан”, 20 сентября 1999 г.; “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2003 йил 3 апрель.

<sup>62</sup> Информацион Бюллетень. – Т., 2004. – № 13. – С. 85-90.

<sup>63</sup> ЎзР МВ МА. 45-фонд, 6411-рўйхат, 24-иш, 34-37-варақ.

“Ижтимоий-гуманитар тайёргарлик” машғулоти киритилиб, ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистоннинг бой тарихи билан боғлиқ бўлган, халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий ўтмишининг ўқитилиши йўлга қўйилди. Бу ҳарбий кадрларни Ватанга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муҳим ишда беқиёс аҳамият касб этди. Шахсий таркибнинг офицер кадрлари учун ижтимоий гуманитар тайёргарлик дастури 120 соат, оддий аскарлар учун 108 соат этиб белгиланди<sup>64</sup>.

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ X сессиясида Ҳарбий Қасамёд матни қабул қилинди<sup>65</sup>. Бу Ўзбекистон миллий армияси ҳарбий хизматчилар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллади.

Ўзбекистон миллий армияси эндигина шаклланаётган пайтда, айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида “собик иттифоқ таркибидаги мустақил республикаларининг келажаги йўқ”, деган фикрлари билдирилди. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон армияни миллий кадрлар билан мустаҳкамлаш, ҳарбий таълим тизимида ватанпарварлик тарбияси каби устувор масалаларга катта эътибор қаратди.

Мустақиллик эълон қилингандан сўнг олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш иштиёқида келган ёшлар юқорида кўрсатилган собик Совет Иттифоқи давридаги бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулоти асосида тарбияланган эдилар. Айнан шу сабаб, аксарият ўқишга ҳужжат топширган йигитлар умуман ҳарбий хизмат тўғрисида тасаввурга эга эмас эди. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирган курсантларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида 1991-1992 ўқув йилининг бошларида, ЎЗР Қуролли Кучларининг “Ватанпарвар” газетасида командирларга яқинда хизматга ва ўқишга келган ёшларни тарбиялаш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар, тавсиялар чоп этилган.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тузилгандан сўнг 1992 йилга келиб, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик тарбияси борасидаги вазифалари янада кенгайтирилди. “Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун МК “Ватанпарвар” ташкилотининг фаолият олиб боришини бир тизимга солиб турувчи асосий қонун бўлиб, унда “Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш”<sup>66</sup> билан боғлиқ барча масалалар кўрсатилган.

Мамлакат ёшларини Қуролли Кучлар сафига, ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг ҳарбий офицер касбига бўлган қизиқишларини орттириш ва олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришга тайёрлаш, Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда ўта муҳимлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон раҳбарияти 1998 йил 24 июлдан “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақасини ўтказишни давлат тадбирлари дастурига киритди,<sup>67</sup> шу йили бу ҳаракат ўз байроғи ва мадҳиясига эга бўлди<sup>68</sup>.

<sup>64</sup> ЎЗР МВ МА 45-фонд, 67339-рўйхат, 1-иш, 58-66-варак.

<sup>65</sup> ЎЗР Ахборотномаси. № 9 (1197) ж. – № 17-1007. 1992. – Б. 67.

<sup>66</sup> ЎЗР Олий Кенгаши Ахборотномалари. – № 10 (1198). – Б. 37-40.

<sup>67</sup> ЎЗ МА М 13-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 143-варак.

<sup>68</sup> ЎЗ МА М 13-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 144-варак.

Мунтазам равишда Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази томонидан ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини мамлакатнинг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари билан ижодий учрашувлар, алоҳида мавзуларга бағишланган кечалар ўтказилиб келинди. Бундай тадбирларни Қуролли Кучлар ҳарбий округларида ҳам мунтазам равишда ташкиллаштиришда Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Хотин-қизлар қўмитаси” каби жамоат ташкилотлари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу борада ҳарбий қисм, муассаса, округ ва Қуролли Кучлар масшабида 2003 йилдан бошлаб мунтазам равишда ўтказиб келинаётган “Энг ибратли оила”, “Намунали ёш ҳарбий оила” кўриктанловларини айтиш ўринли<sup>69</sup>.

Мамлакатда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбия масаласи долзарб масалалардан бўлиб, мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик Қўмитасининг 2005 йил ҳамда келгуси йилларга мўжалланган қонунчилик фаолияти дастурига мувофиқ амалга ошириб келинган. Қўмита томонидан ислохотлар даврида ҳарбий соҳа учун бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, Қўмита фаолиятини ташкил этишга ҳалақит берувчи айрим ҳоллар мавжуд бўлган. Жумладан, тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган режа мавжуд бўлишига қарамай, масъул идоралар томонидан қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишни кечиктириш ҳоллари учраб турган<sup>70</sup>. Бундай қонун лойиҳалари қаторига “Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисида”, “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида сафарбарлик ва сафарбарликка тайёргарлик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида” ва “Қурол-яроғ тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаларини киритиш мумкин<sup>71</sup>. Мазкур масалалар юзасидан Қўмита тегишли вазирликлардан ахборот сўраб турганлиги, улар фаолияти устидан сиёсий назоратни олиб турганлигидан далолат беради. Сабаби, бу каби қонунларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбия масаласи ва унинг жамиятидаги нуфузи ҳамда эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси масалалари ўз вақтида қатъийлик билан ҳал қилингани натижасида ўз позициясини ҳимоя қиладиган, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган, масъулиятни ҳис қиладиган, ҳақиқий ватанпарвар ёшлар тарбияланмоқда. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ривожланиши бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда амалга оширилди ва уни ўрганиш давр талабидир.

<sup>69</sup> Хожимуратов Г. Оиладан бошланар ватан // Ватанпарвар, 2010. 26 март.

<sup>70</sup> <https://lex.uz/uz/docs/1447074>

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2008. – № 10 (1390). – Б. 13-14.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистонда Қуролли Кучларнинг шаклланиш босқичининг илк даврида миллий армиянинг ҳолати ва унинг ривожланиши жаҳон ҳамда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятларга боғлиқ бўлди. Бу мамлакат раҳбариятидан ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш муаммоларига энг долзарб вазифа сифатида ёндашишни талаб қилди. Ҳарбий ислоҳотлар муваффақияти мамлакат мудофаа қудратининг асоси, халқнинг тинч ва осойишта ҳаётининг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим эди.

2. Мустақиллик эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини шакллантириш масаласига алоҳида аҳамият берилиши билан бир қаторда унинг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш масаласига давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида қаралди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мамлакат мудофааси билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг такомиллашиб бориши ва бу борада амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатда ҳарбий хизматнинг нуфузи ошди.

3. Жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ер шарининг турли нуқталарида бўлиб ўтган минтақавий урушлар тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон Қуролли Кучларида амалга оширилган ислоҳотлар уни жаҳон андозаларига мос профессионал армия бўлиб шакллангани, унинг халқаро НАТО, СЕАП ташкилотларининг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури асосида ўтказилган ҳарбий машқларда ривожланган давлатларнинг армиялари билан бир қаторда иштирок этишида намоён бўлди.

4. Мамлакат ҳудудидаги собиқ иттифоқ ҳарбий қисм ва бўлинмаларида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни оммавий равишда ўз ватанига қайтиши бошланган ҳамда ҳарбий кадр тақчиллиги вужудга келаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан офицер кадрлар тайёрлашнинг турли ўзига хос йўллариининг излаб топилиши, олий таълим муассасаларининг кўп тармоқли ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимига ўтказилиши, сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солиниши профессионал ҳарбий кадрлар муаммосини тўла қонли равишда ечиш имконини берди.

5. Мустақиллик йилларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш тартиби тизимининг такомиллашуви, яъни ёшларни ҳарбий хизматга кўрик танловлар асосида саралаб олиниши Қуролли Кучлар сафининг маънавий етук ва жисмонан бақувват йигитлар билан таъминланишига олиб келди. Шу билан бирга, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитлар учун имтиёзлар тизимининг яратилиши уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириши ва ишга жойлашишида муҳим аҳамият касб этди.

6. Ўзбекистон Қуролли Кучлар тизимида чақирикқача бўлган ёшлар орасида олиб борилган маънавий-руҳий ва ватанпарварлик тарбияси натижасида уларни армия ислоҳотлари доирасида ҳарбий хизмат муддатларининг қисқартирилиши, ҳарбий қисм ва бўлинмаларида

аскарларнинг ижтимоий ҳимоя масалаларининг такомиллаштириши, уларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар бериш тизимининг яратилиши ёшлар орасида ҳарбий хизматни ўташга бўлган интилишни кучайтирди. Армия ва ҳарбий хизмат ватан ҳимоячилари учун маънавий баркамол, жисмоний чиниқиш ҳамда катта ҳаётга йўлловчи мактабга айланди.

7. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучларида олиб борилган тарбиявий ишларнинг илмий асосда ташкил этилиши ва самарадорлиги ўз натижасини берди. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистонда барча фуқароларининг маънавияти ва ватанпарвар шахс сифатларини шакллантириш масаласи энг долзарб вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратилди. Ватанни ҳимоя қилиш барча фуқароларнинг мажбурияти шу билан бирга, Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбий кадрларининг асосий вазифасига айланди. Жанговар қобилиятга эга ва салоҳиятли офицерлар билан таъминланган армия ўз ўрнида мамлакат ҳудудий яхлитлигини ҳамда халқнинг тинч ва осойишта ҳаётининг кафолати бўла олади. Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида хизмат қилаётган кўпгина ҳарбий хизматчилар ўз Ватанини ҳимоя қилиш каби вазифага масъулият билан ёндашгани натижасида шу кунга қадар Ўзбекистон халқи тинч ва ўз келажаги буюклигига ишониб яшаб келмоқда.

Тадқиқот материаллари ва олинган натижалар асосида қуйидаги **таклиф ҳамда тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ҳарбий иш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари, муҳофаа вазирлари ва фахрий ҳарбий офицерларнинг мамлакат муҳофааси йўлида қилган ишлари, қолдирган мероси шу кунгача тўла ўрганилмаган. Бу меросни ўрганиб, илмий жамоатчиликка маълум қилиш;

2. Ҳарбий хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида узлуксиз таълим тизимида 14 январь кунини тарихий сана сифатида “Ватан ҳимояси – олий бурч” шиори остида ўтказиш;

3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини кенг ёритиш мақсадида ўсиб келаётган ёш авлодни қизиқтирган барча саволларга жавоб оладиган мулоқот майдони сифатида алоҳида телевизион канал ташкил этиб, Ўзбекистондаги ҳарбий округларда бўлаётган ҳарбий соҳа ўзгаришларини мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЯХЪЯЕВА АДОЛАТ ХОДЖИЕВНА**

**ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН И РАЗВИТИЕ ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
(1991-2005 годы на примере Министерства обороны)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент - 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2022.3.PhD/Tar163.**

Диссертация выполнена в Ташкентском Государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Алимова Дилором Агзамовна**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
доктор исторических наук, профессор

**Исмоилова Жаннат Хамидовна**  
доктор исторических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020\_ г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Мирзо Голиб, Исторический факультет Национального университета Узбекистана. 1-этаж. 110-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Национальный университет Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4. Главное здание). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**Х.Э.Юнусова**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

**Ж.Э.Тогаев**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.и.н. (PhD)

**Н.У.Мусаев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Все страны мира уделяют серьезное внимание проведению совершенных военных реформ в целях обеспечения своей безопасности и мирной жизни своего народа. В результате исторических событий в конце XX века были созданы независимые государства и в них начался процесс формирования и укрепления основ национальной государственности. Этот процесс привел к коренной смене политической, военной и идеологической направленности национальной государственности. В этом отношении пройденный путь развитых стран и их исторический опыт имеет важное значение.

В научных центрах мира ведутся научные исследования по изучению формирования и становления Вооруженных сил в странах СНГ, проблемы связанные с прессой, место офицерского состава во внутривнутриполитической жизни страны, вопросов морально-политического потенциала Вооруженных сил, а также состояния, конституционной и правовой базы, организационных проблем Вооруженных сил, в том числе исторического анализа военной периодической печати. Также, проводятся работы, направленные на модернизацию состава вооруженных сил, создание профессиональной и мобильной армии, повышение боевой и психологической подготовки личного состава, широкое внедрение достижений и инноваций современной науки в военное образование.

В первые годы независимости руководство Узбекистана, глубоко анализируя военно-политическую обстановку рассматривая её как стратегическую проблему, уделяло особое внимание на решению этого вопроса. Эти задачи, выполнялись в целях усиления военного потенциала страны путем формирования, увеличения состава и повышения боеспособности Вооруженных сил. Реформы в военной сфере, направленные на обеспечение оборонного потенциала, показали недостатки в изучении зарубежного опыта в этой сфере в течении 30 лет. Как отметил Президент Республики Узбекистан: «...несмотря на увеличение количества международных мероприятий в военной сфере, уровень практического применения передового зарубежного опыта в деятельности войск Министерства обороны остается низким. Работы по изучению и реализации накопленного опыта ведутся не на системной основе»<sup>1</sup>. До сегодняшнего дня не проводились научные исследования с применением новейших подходов по изучению процесса формирования Вооруженных сил Республики Узбекистан, в том числе не раскрыты и не изучены этапы развития военного образования. Важное значение имеет изучение исторической необходимости формирования национальной армии в Узбекистане с учётом современных требований, в том числе особенностей этого процесса, а также реформ, проведенных в этой сфере накануне обретения независимости, итогов, достижений и проблем в данной сфере в целом.

Данное исследование служит в определенной степени решению задач

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 167.

обозначенных в Законе «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан» от 31 августа 1991 года № 336-ХП, в Законе «Об обороне» Республики Узбекистан от 3 июля 1992 года № 641- ХП, в Законе Республики Узбекистан «Об оборонной доктрине» от 9 января 2018 года ЗРУ-458, Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026» от 28 января 2022 года и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Процессы создания национальной армии, вопросы социальной защиты военнослужащих из Узбекистана, проблемы проявления самовольности в советской армии накануне обретения независимости Узбекистана широко освещались в периодической печати республики<sup>2</sup>, а также бывшего Советского союза в 1989-1991 гг.<sup>3</sup>.

Историк и политолог Р.А. Медведев описывал ситуацию в военных частях в 1988-1991 гг. таким образом: «Советская армия долгие годы не подвергалась критике. Не принято было говорить о действиях, направленных против её развития и безопасности. До времен перестройки и открытости материалы, противоречащие армейской жизни и содержащие конкретные негативные значения, такие как «дедовщина»\*, несчастные случаи, межнациональные конфликты и суицид не публиковались на страницах газет и журналов»<sup>4</sup>.

В трудах<sup>5</sup> и выступлениях<sup>6</sup> Первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова отражены вопросы оборонной политики, создания и

---

<sup>2</sup> Татаринев В. Армия ва ўзим ҳақимда // Газета “Ўқитувчилар”. 11 января 1989 г.; Мирзамухамедова М. Йигитлар хизматга шайми? // Газета “Совет Ўзбекистони”. 28 марта 1989 г.; Штейнберг М. Русский язык допризывника // Газета “Ташкентская правда”. 3 марта 1989 г.; Коржовов А. Йигитлар уятда колмасин // Газета “Совет Ўзбекистони”. 16 декабря 1988 г.; Лопатников В.А. Особенности интернационального воспитания армейской молодежи в условиях становления национального самосознания / Актуальные проблемы межнациональных отношений и интернационалистского воспитания студенческой молодежи (Респ. научная конференция). – Ташкент. 1990. 30 июля – С. 78-80.

<sup>3</sup> О ходе выполнения постановления ЦК КПСС и Совета Министров СССР «О подготовке молодежи до призывного и призывного возрастов к действительной военной службе в Вооруженных силах СССР» // Известия ЦК КПСС. – Москва, 1990. – № 4. – С. 8-10; Каунин В. Хозяйствовать по закону // Тыл Вооруженных сил. – Москва. 1990, № 1. – С. 44-47.

\*Сложившаяся в Вооруженных Силах неофициальная иерархическая система взаимоотношений между военнослужащими низшего армейского звена.

<sup>4</sup> Влодавец В. «Актуальное интервью с Медведевым Роем Александровичем». Историк и политик. «Солдат – не пушечное мясо» // Военные знания. 1993 г. № 3. – С. 1.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақкам қафолатидир. – Т.: Ўзбекистон. 2003; Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. “Қуролли Қучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустақкам қафолатидир”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 147-175.

